



# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва усмирларининг газетаси

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 74 (6816)  
1997 йил 24 сентябрь, чоршанба

Сотувда эркин  
нархда



Илк бор мактаб остонасидан хатлаб ўтганимизда бор меҳри билан бизларни кутиб олган Муяссар опа дарсларини соғинамиз. Бу йил 5-синфга ўтиб, юқори синф ўқувчи-

лари қаторига қўшилдик. Бошланғич синфда уч йил ўқитган меҳрибон устозимиз Муяссар опа Собиржонова билан хайрлашдик. Ўша кун, «Хайр, биринчи устозим» деб номланган кеча синфдошларимиз, мактаб жамоаси ёдидан узоқ вақт чиқмаса керак. Айниқса, кеча сўнггида Муяссар опага сўз берилганда қалдирғочдек тизилишиб турган биз ўқувчиларга қараб кўз ёшларини яшира олмаган устоз кўз олдимизда абадий муҳрланадигандек...

### Таъзим

Муяссар опанинг бир гўзал одатлари бор эди. Эрта тонгда бир бир салом бериб синфга кираётганимизда эринмасдан ҳар кун соғлигимизни суриштирар, ўзимиз қолиб ота-онамизни, хонадонимиз аъзоларини ҳам номма-ном эслаб сўрардилар. Айниқса, улар ҳеч қачон исмиимизни тоқ айтмас, унга «болам» сўзи-

ни қўшиб айтардилар. Муяссар опани нафақат биз балки мактабнинг собиқ ўқитувчиларидан тортиб мактаб жамоаси ҳам дилдан хурмат қилишиб «Устоз» дея мурожаат қилишади.

Муяссар опа тимсолидаги «Устоз» сўзи назаримизда улкан унвонни англатади.

**Умида ХУСАНОВА,  
Фотима НАЗАРОВА,  
Тошкент шаҳри,  
Юнусобод туманидаги  
9-мактаб ўқувчилари**

## УСТОЗ

ни ҳам номма-ном эслаб сўрардилар. Айниқса, улар ҳеч қачон исмиимизни тоқ айтмас, унга «болам» сўзи-

Сиз азиз болажонларнинг келажакда саводли, ўқимишли инсонлар бўлиб етишишингиздан юртимиз манфаатдордир. Зеро, билим чўққиларини эгаллаган одам дунёни, ўзини англаши оқибатда кечади. Дунё эса ўқимишли одамлар билан обод, аксинча ўқимаган жохил одамлар туфайли барбод бўлади. Шунинг учун чет элдаги ривожланган мамлакатларда ҳам одам қайси касбда ишламасин — қассобми у, ёки тикувчими — ўз билимини оширмоғи шарт. Мустақил юртимизга ҳам дипломсиз қассобдан кўра, дипломли қассоб, ўқимаган тикувчидан, ўқиган тикувчининг аҳамияти кўпроқдир. Ўқимаган одам билан ўқиган кишининг жамият маънавий иқлимига таъсири ҳар хил бўлади.

Ҳозирги мураккаб бозор иқтисодиёти шароитида газета ва журналлар чоп этиш, уни эгасига етказиб бериш харажатлари қимматга тушмоқда. Лекин, ҳукуматимиз сиз азиз болажонлар-эртанги юрт эгаларининг

газета ва журнал ўқиб, балоғатга етишишингизни истагани учун бир қатор болалар нашрига, жумладан «Тонг юлдузи»га рамзий нарх-наво белгилади.

Ана шу имкониятдан фойдаланиб, севимли газетангизга обуна бўлишга шошилинг! Азиз ўқувчилар! Атиги икки-уч донга музқаймоқ баҳосида-

ги йиллик обунага ёзилсангиз, биз сизларга музқаймоқнинг ҳузуридан ўн чандон қимматли ўқиш лаҳзаларини инъом қиламиз.



## ОБУНАМИ, МУЗҚАЙМОҚ?..

### ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Буюк Британиянинг машҳур «Керзон Пресс» нашриёти Республикамиз Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини инглиз тилида кўп нусхада нашр этди. Бу дунё жамоатчилигини Ўзбекистонда амалга ошириладиган ислохотлар, эркин, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида қилинаётган тарихий ўзгаришлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этади.

### ҲАМКОРЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўтган ҳафта мамлакатимизга Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продиннинг ташриф буюрди. Республикамиз Президенти Ислам



Каримов ва Италия Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси Романо Продиннинг ўзаро суҳбатларида Ўзбекистон — Италия муносабатларининг ҳозирги даражаси ва истиқболи, шунингдек, Марказий Осиё ҳамда Ўрта Ер денгизи ҳавзасида мин-

тақавий хавфсизликни таъминлаш ва барқарорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар, халқаро сиёсатнинг долзарб муаммолари бўйича фикрлашиб олинди. Музокаралардан сўнг ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

### БОКСЧИЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Алматида ўтаётган иккинчи Марказий Осиё ўйинларида Ўзбекистон боксчилари ажойиб галабага эришдилар — терма команданинг 12 аъзоси ўн иккита медални қўлга киритди. Ўзбекистон терма командаси бокс бўйича биринчи ўринни эгаллади. Алматидаги ўйинларда спортнинг бошқа турлари вакиллари ҳам юксак маҳорат кўрсатди.

### ЧОРА КЎРИЛМОҚДА

### «ТУЯ ГЎШТИ ЕГАНМИ?»

таниқидий мақоаласи эълон қилинган. Сирдарё вилояти, Боёвут тумани ҳокими А. Пиримкуловдан редакцияга куйидаги жавоб хати келди:

«Ҳақиқатан ҳам тумандаги Наврўз жамоа ҳўжалигига қарашли мактаб биноси қурилиши ночор иқтисодий аҳвол туфайли чўзилиб келаётган эди. Туман ҳокимлиги жамоа ҳўжалиги бошқарувига мактаб устини ёпиш учун зарур бўлган маблағни топишда ёрдам қилди. Мактаб учун тезликда шифер ҳам топилди, сувоқ ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилди. Мактаб 1997 йил охиригача битиб ишга тушиши учун ҳамма зарур чораларни қўллаймиз».

### АКС-САДО ИЛМИМИЗ, ҲУНАРИМИЗ

Биз қишлоқда яшаймиз. Акам эса Тошкентда ўқийди. Ҳар гал онам билан бирга акамни кўргани борганимизда шаҳарда ҳаммаёқ тоза ва озода, бирор жойга бормоқчи бўлсанг автобус, троллейбус, трамвай, метролар физиллаб хизматингга ҳозир бўлади.

Бизнинг қишлоқда эса бундай эмас. Айтсам ишонмайсиз, қишлоқдаги баъзи бир одамлар ҳали троллейбус нималигини билишмайди. Ёз бўйи тўйга, меҳмонга боришда ёки узоқ-узоқларда жойлашган дўконларга боришда эшаклардан фойдаланамиз. Қишда эса 4-5 ойлик егуликни жамлаб қўйиб иложи борича уйдан чиқмаймиз. Чунки қор босган йўллардан тойиб, ёки адашиб жарликларга қулаш ҳеч гап эмас.

Тўғри, баҳор ойларида қишлоғимиз гўзаллашиб очилиб кетади. Бу ҳам албатта она-табиатнинг тухфаси. Ўшанда минглаб шаҳарликлар бориб, дам олиб келишади. Ҳатто бир марта дам олувчилардан бирининг «Бу ерга катта дам олиш оромгоҳи қуриб, атрофини обод қилса, зўр жойга айланади», — деганини ўз қулोगим билан эшитганман. Лекин, айтишадди, қўйишади холос.

Қанийди, бизнинг қишлоқларимизга ҳам газ ўтказилиб, йўллар асфальтланса, мактабимизга эшақда эмас, балки автобусларда борса! Яқинда ўқитувчимиздан синф ййгилишида юқоридаги муаммоларни қандай бартараф этиш кераклигини сўради, улар қулиб: «Ораларингдан таниқли архитекторлар чиқиб, қишлоқларни шаҳардек обод қиласизлар», дедилар. Қишлоғимиздан архитекторлар бўлмаса-да, машҳур одамлар (ҳозир Тошкентда яшяппти) чиққан. Ҳеч бўлмаса ўшалар ўзлари туғилган гўшани обод қилиш учун ҳисса қўйишса. Бири боғ яратса, бири мактабни янгиласа... Аммо тенгдошимиз самарқандлик Умиджон Аскарров «Тонг юлдузи»да (13 сентябрь, 1997 й.) ёзганидек, илмимиз, ҳунаримиз — инсон фаровонлиги учун-ку! Ҳамма ўз қишлоқлари, шаҳар ва овулларинияхшилашни ўйласа, эди, Ўзбекистон — катта мамлакат, ҳақиқий шинам меҳмонхонага айланарди.

**Гулзода ХАСАНОВА,  
Қашқадарё вилояти,  
Қамаши тумани, Янги  
ҳаёт мактабининг 9-синф  
ўқувчиси.**



Кучаларида калишларимнинг излари, кўзларимда меҳрининг излари, атлас куйлакларим ёқасида ялпизларининг ислари қолган олис болалик — менинг беҳад соғинчимга айланди.

Болаликнинг қулларида узун чўп эмас, кўзларида оламча меҳр яшайтган муаллимлари бор эди. Биласизми, яна унга «яхши» деган сўзгина таниш эди, у «ёмон» деган сўзни билмасди. Унинг оппоқ кабутарлари, харир орзулари бор эди.

Унинг яна етти иқлимга жар солгудай хуштакларини чириллатиб келиб қулларига

сақичлар, узукчалар, мунчоқчалар ҳадя этгучи севимли аттор бобоси ҳам бор эди. Болалик уни жуда ҳам яхши кўрарди. У Аттор бобосига куп шишалар, латталару она-сидан яшириб чиққан нонларини ҳам бериб юбораверарди. Аттор бобоси унга сақичлар, сочпопуклар берарди...

Бир куни унинг уша Аттор бобоси қишлоқни тулдириб йиглаб кетаётганини кўрган болалик титраб кетди. У гамгин қушиқни илк бор ушанда эшитди ва югуриб аравага етиб олди, бироқ Аттор бобога ҳеч нарса дея олмади, томоғига нимадир тикилиб қолиб

# АТТОР БОБО

кетди. Кейин акасига айтган гапини эшитиб қолди:

— Аттор бобонинг нарсаларини ёмон болалар тортиб олибди. Шишаларини синди-

## Болаликка сафар

риб ташлашибди...

... Болалик ушандагина ёмонлар ҳам борлигини билиб қолди. У бирдан маъюс

тортиб маҳзун бўлди. Кейин у Аттор бобосига куп шеърлар, хатлар ёзди. Йигламанг, мен сизга куп шишалар берман, деб ёзди. Ариқ буйига чиқиб ҳар тонг Аттор бобони кутди, бироқ Аттор бобо бу қишлоққа қайтиб келмади. Болаликнинг кўнгли Аттор бобонинг сингдирилган шишалари каби синиб кетди. Кейин у куп шеърлар ёзди. Узун-узун шеърлар ёзди. У



Гулжамол АСКАРОВА

## ОЙНАИ ЖАҲОН — БОЛАЛАРГА

22—28 сентябрь кунлари

Ҳар куни кеч соат 20.10 да «Оқшом эртаклари».

22 сентябрь

Соат 18.10 да «Топилмалар идораси» мультфильмининг 1-қисми

23 сентябрь

Соат 13.20 да яна мультфильм: «Фил полвон оғриб қолди»

18.25 да «Кулупной ёмғир» мультфильм.

24 сентябрь

Соат 18.10 да «Топилмалар идораси» мультфильми 2-қисм.

25 сентябрь

Соат 9.35 да «Устоз ҳақида сўз». Уқитувчилар кунига бағишланган букурсатувда Тошкентдаги 4-мактабнинг бошланғич синф уқитувчиси Олия Қосимова, ҳуқуқшунос Баҳром ота Ахроров Наманганда-

ги 40-мактабнинг тил ва адабиёт уқитувчиси Жўраҳон Тошпулатовлар билан суҳбат.

Курсатувда Тошкент Техника Университети қошидаги маҳсуслицей уқитувчи ва уқувчилари ҳам иштирок этади.

10.30. «Алифбо сабоқлари»

13.15. «Ёрдамчилар», «Учкурбақа». Мультфильмлар,

18.10. Яна мультфильм — «Қуёшда пишган нон»

26 сентябрь

9.30. «Орзу», Курсатувда Ўзбекистон радиоси «Маориф ва тарбия» Бош муҳарририятга ходимлари Туркиянинг «Демир» фирмаси билан ҳақорликда утказган «Озодлик улқаси» мавзуидаги иншолатанлови голибларининг чиқиши.

12.40. «Аралаш» ҳажвий киножурнал.

18.10. «Болаларга бахшида

умр». Курсатув болаларнинг ардоқли шоири Пулат Муминнинг ижодига бағишланади.

27 сентябрь

8.45. «Тасвирчи Кпис кимсасиз оролда» мультфильм.

11.40. «Уйла, изла, топ!» тарих ва маданият, маърифат мавзулари буйича телемусобақа.

28 сентябрь

8.25. «Камалак» — болалар учун кинодастур.

11.55. «Яшил чироқ» Қарши шаҳрида утказилган «Еш йул назоратчи»ларининг куча харақати қоидалари буйича булиб утган мусобақаларига бағишланади.

14.45. «Нурли келажак» видеоканал курсатувида иқтидорли тенгдошларингиз иштирок этишади. Шунингдек, Бухоронинг қадимий ёдгорликлари билан танишасиз ва ... Сурхондарё вилоятидан топилган ажойиб

Мен аввало «Тонг юлдузи» газетасида болалар кўрсатувлари дастурининг бериб борилишидан қувондим. Дастур берилмасдан аввал қачон болалар кўрсатувининг энг яхшилари бўларкан, деб кутиб ўтирдим. Сингилларим Зарнигор, Зулфизар, Дилобар, Шермуҳаммад билан дастур асосида кўрсатувларни кўриб боряпмиз. Айниқса бизга 16 сентябрь кеч соат 18.20 да «Меҳрибонлик уйи»дан олиб берилган кўрсатув таъсир қилди. Давлатимиз болалар учун яратиб бераётган қулайликлардан қувонсак-да, «она» меҳри етишмаслигини кўриб ачиндик.

Энди «болалар» кўрсатувининг ижодий ходимларига бир талабимиз ва илтимосимиз бор. Дастурда берилётган

## МУЛЬТФИЛЬМЛАР РАНГ-БАРАНГ БЎЛСИН



мультфильмлар нима учун такрорий? Кўрсатув ижодий ходимлари пойтахт мактаблари ҳаётини ёритиш билан чекланиб қолмай, республикамизнинг чекка қишлоқларида яшайтган ўғил-қизлар ҳаёти билан қизиқсалар янада яхши бўларди.

Жасурбек НАМОЗОВ,  
Анджон вилояти Балиқчи туманидаги  
Т. Юсупов номли мактаб ўқувчиси

## ҲОСИЛСИЗ ДАРАХТГА ЎХШАБ...

Ойнаи жаҳондаги «Юзма-юз» кўрсатуви билан юзма-юз бўлишга шошиламан. Чунки ҳар сафар унинг бошловчиси Қуддус ака Абзамовнинг журналистик маҳоратига қойил қоламан. Яқинда у киши республика таълим маркази директори Шоумаров билан суҳбатлашиб, мактаб дастуридаги оила ҳақида берилган маълумот тўғрисида ўрилли савол бердилар. Биргина шу саволнинг ўзи кечаги ўқувчи, бугунги талаба — менинг миямда ухлаб ётган гапларни уйғотиб юборди. Беруний, Хоразмий, Ибн Сино боболаримиз ҳам дарсликлар ўқиб олим бўлишганмикан? Мадрасадан бўш вақтларида (ҳозир мактабларда турли сабабларга кўра бўш соатлар кўп) олтин дамларини нимага сарфлашган экан улар? Кўрсатув меҳмони нафи кам олимларни ҳосилсиз дарахтга ўхшатди. Ўқувчи тили ва дилдан йироқ дарсликлар ҳақида жуда кўп кўрсатувлар қилиш керак. Болалар эртага нима бўларкин, давоми қандай экан, деб дарс соатларида шошиб боришлари учун ҳаммани — ёзувчини ҳам, санъаткорни ҳам, рассомни ҳам уйғотиш керак.

Абдуҳамид АБДУҒАППОРОВ,  
Тошкент шарқшунослик институтининг 1-курс толиби



топилмалар ҳақида ҳикоя қилувчи китобни кўрасиз.  
18.00. Мультотлам.  
ТВ-2  
22 сентябрь. 18.20. «Ерилтош» мульттўплам.  
23 сентябрь. 18.20. «Ерилтош» мульттўплам.  
24 сентябрь. 18.20. «Ерилтош» мульттўплам.  
25 сентябрь. 9.00. Мультпанорама.  
18.15 «Жажжи давра» — болалар учун дастур.  
26 сентябрь.  
9.00. «Жажжи давра» болалар учун дастур.  
18.20. «Бугуннинг боласи».

27 сентябрь  
9.00. «Бугуннинг боласи».  
18.20. Боланинг тили.  
28 сентябрь  
9.00. «Боланинг тили».  
18.15. «Мультипанорама».  
18.40 «Синфдош».  
ТВ-3  
22 сентябрь  
9.45. «Гулгунчалар».  
Ҳафта давомида бериладиган курсатувлар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни албатта ёзиб юборинг.  
Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,  
Ўзбекистон телевидениеси «Болалар» Бош муҳарририятининг гуруҳ раҳбари

## ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҮМИТАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУРАИМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Дадахон ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида бошилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буяртма — Г-0592. 10960 нусхада бошилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга топшириш вақти 19.00. Топширилди — 18.30. Навбатчи муҳаррир М.Муродова.

• Рўйхатдан утиш тартиби № 000137  
• Манзили: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.  
• Нашр курсаткичи: № 64563  
• Телефон: 1-33-44-25